

21 октябрь ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун



17:11 / 20.10.2023 933

Аллоҳ таоло томонидан берилган бебаҳо неъматлардан бири тилдир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

«Ар Роҳман. Қуръонни ўргатди. Инсонни яратди. Унга баённи ўргатди» (Ар Роҳман сураси, 1-3-оятлар).

Ушбу оятнинг тафсирида «Роҳман ўзи яратган инсонга нутқни, гапиришни ўргатди. Нутқ. Баён қилиш қобилияти Аллоҳ таоло инсонга берган улкан неъматлардан биридир. Айнан ушбу неъмат билан инсон ўзга жонзотлардан ажралиб туради. Уларнинг устидан ўз ҳукмини ўтказди. Инсон Аллоҳ ерда яратган жонзотлар ичида мукамал овоз чиқарадиган ягона жонзотдир. Бошқа жонзотларнинг овози асосан тақлидийдир ва фикрсиздир. Инсон турли товушлардан сўз. Сўзлардан жумлалар тузади ва жумлалардан нутқ қилади. Дунё халқларининг турли тилларидан миллион-миллион жумлалар тузилади. Баён қилиш неъматининг ўз ҳис-туйғуларини, хотираларини, таассуротларини гап орқали ифода этиш қобилиятидир», дейилади.

Дунёда ҳар бир халқнинг ўз тили бор. Бу тил билан улар ўзаро алоқа қиладилар. Хусусан, биз ҳам оиламизда, жамиятда она тилимиз бўлган ўзбек тили воситасида бир-биримиз билан алоқа қиламиз.

Маълумки, ўзбек тили дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбек тилининг софлиги ва мавқеъини ошириш учун тилимизга эътиборли бўлишимиз лозим. Зеро, Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, «Тилга ихтиёрсиз-элга эътиборсиз» киши бўлишдан сақлани лозим.

Аллоҳ таоло барчамизни берган неъматларига шукр қиладиган ва уларни қадрига етадиган бандалардан қилсин!

ЎМИнинг Қашқадарё вилоятдаги вакиллик ходими Р. Акбаров